БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 209 (1471) | 23 октябрь, жума, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон саноати ўн ойлик планни бажарди

ЎЗБЕКИСТОН ССР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб ва 1959 йил планини ошириб бажариш учун курашиб, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари ялпи маҳсулот ва кўпгина энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муддатидан олдин бажардилар.

Қора ва рангли металлургия корхоналари, тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик-пойафзал корхоналари ҳамда саноатнинг бир қанча бошқа тармоқлари планни муддатидан олдин бажардилар, шунингдек нефть чиқариш ва электр қуввати ҳосил қилиш плани ҳам муддатидан олдин бажарилди.

«Чирчиксельмаш», «Таштекстильмаш», «Таштрансмаш» заводлари ва кўпгина бошқа заводлар катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ялпи маҳсулот чиқариш ўн ойлик планини муддатидан анча илгари бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Тошкент саноати ўн ойлик планни муддатидан илгари бажарди

Партия XXI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган Тошкент саноат корхоналари коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик план муддатидан илгари, 21 октябрда бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқ 9 ой ичида 103,7 процент бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 7,3 процент ўсди.

Шаҳар саноати ой охиригача пландан ташқари кўп миқдорда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

ҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Совет халқи зўр кўтаринки руҳ билан шонли етти йиллликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, суръатни янада тезлаштириш даставвал ҳар бир корхонанинг, ҳар бир цех ва участкаларнинг бир меёрда ишлашига боғлиқдир. Бир меёрда ишлаш — мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан, машина ва асбоб-ускуналардан, ички резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланиш учун қулай шароит яратиб беради.

Куз-қиш ойларининг кириши билан корхоналарнинг бир меёрда ишлаши масаласи айниқса кескин қилиб қўйилади. Гап шундаки, куз-қиш ойларидаги ёғингарчиликлар завод ва фабрикаларда, транспорт ва қурилиш ташкилотларида қўшимча қийинчиликларни вужудга келтиради. Ана шу қийинчиликларни бартараф қилиш тадбирлари ўз вақтида кўрилмас экан, у корхона иш меёрини издан чиқаради. Шу сабабли корхоналарнинг ҳар қандай шароитда ҳам тўла қувват билан бир меёрда ишлаши учун зарур бўлган чораларни кўриш — хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Куз кирганига анча бўлди. Октябрь ҳам тамом бўлиб, ноябрь ойи келмоқда. Шу пайтгача қишга тайёргарлик юзасидан белгиланган ҳамма тадбирлар тўлатўкис амалга оширилган бўлиши керак эди. Аммо айрим хўжалик раҳбарлари кейинги пайтларда ҳавонинг жўнашиб кетганлигини баҳона қилиб, бу соҳадаги ишларни бўшаштириб юбордилар. Улар «ҳали вақт эрта, улгирамиз» деган зарарли қайфиятга берилиб иш тутмоқдалар. Бу — мутлақо нотўғридир. Шуни унутмаслик керакки, куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Бугун у кулиб, чарақлаб турган бўлса, эртага тўнини тескари кийиб олиши мумкин.

Ўтган йили белгиланган тадбирлар тўла амалга оширилмаганлиги ҳамда ёғингарчилик ойларига яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли «Чирчиксельмаш» заводи қуюв цехининг айрим участкалари томонидан чакка ўтиб, кўлмаклар ҳосил бўлди. Худди шунингдек, механика-йиғув, темирчилик-пресс ва бошқа цехлар томидан ҳам чакка ўтган эди. Табиийки, бу ҳол ишчиларнинг юқори унум билан ишлашларига салбий таъсир кўрсатган эди. Бу нарса ўз навбатида корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини оширишга тўсқинлик қилди. Афсуски, бу йил ҳам корхона ишлаб чиқариш участкаларини, ёрдамчи ва хўжалик биноларини, ётоқхоналарни, ишчиларнинг уй-жойларини қишга тўла равишда тайёр деб айтиб бўлмайди. Ўтган йили дурустроқ бошпана бўлмаганлиги сабабли қуюв цехининг газорезчиклари очиқ ҳавода ишлашга мажбур бўлган эдилар. Корхона раҳбарлари бу йил уларга бошпана қуриб беришга ваъда берган эдилар. Аммо ваъда ҳамон ваъдалигича қолиб келмоқда. 1- механика-йиғув цехи томининг айрим ерларидан чакка ўтади. Бу ҳақда жуда кўп гап-сўз бўлди, маъмурият билан тузилган коллектив шартномага бу масала бир неча бор киритилди. Афсуски, бу соҳадаги ишлар ҳам ҳалигача охирига етказилгани йўқ.

Худди шундай аҳволни областимиздаги бошқа корхоналарда, чунончи: «Ташсельмаш» заводи ва «Ўзбекуголь» комбинатида ҳам кўриш мумкин. Қурилиш ташкилотларида қишга тайёргарлик айниқса ёмон. Вазифа — ҳозирги ганимат вақтнинг ҳар бир кунидан, ҳар бир соатидан унумли фойдаланиб, бу соҳадаги камчиликларни тугатишдан иборатдир.

Шу кеча-кундузда куз-қиш, ойларида ҳам нормал ишлашни таъминлаш учун қилинган ишларни яна бир бор кўздан кечириш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш зарур. Ҳар бир корхона етарли миқдорда ёқилғи запасини жамғардими, водопровод, канализация ва электр шохобчалари яхши ҳолга келтирилдими, хомашё, материаллар, механизмлар ва тайёр маҳсулотлар сақланадиган складлар ҳамда ишлаб чиқариш биноларини иситиш воситалари қай аҳволда — ана шуларнинг ҳаммасини яна бир бор аниқлаш лозим.

Транспорт, энергетика ва коммунал корхоналарининг коллективлари ёғингарчилик ойларида ҳам нормал ишлаш учун айниқса пухта тайёргарлик кўришлари керак. Уй-жой фондини ҳамда маданий-маиший биноларни — клублар, мактаблар, амбулаторияларни, ошхоналар ҳартибга келтирилиши, завод ёки фабрика поселкасидаги кўчалар ҳамда йўлкалар тузатилиши лозим.

Кишни тўла равишда шайлан ган ҳолда кутиб олиш ва ёғингарчилик даврида ҳам худди ёзадигидек юқори унум билан ишлаш имконини берадиган ҳамма зарур тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш — ҳар бир коллективнинг шарафли бурчидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг тақдимига мувофиқ пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1959 йил 11 октябрдан 21 октябргача бўлган якунига доир материалларни кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Наманган областига** берилсин (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Тоиров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Муродов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Назаров**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нишонов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Адашев**, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ **Нуъмонов**). Бу область 10 кунда йиллик планга нисбатан давлатга 15,4 процент миқдорида пахта сотган ва йиллик планни 80,3 процент бажарган, пахтани машинада териш йиллик планини 102,10 процент ва 10 кун ичида 45,8 процент бажарган, байроқ Тошкент областидан олиб берилсин.

2. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё областига** берилсин (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳакимов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ёқубжонов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Воҳидова**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Саидаҳмедов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Арзуманов**, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ **Муҳитдинов**). Бу область 10 кунда давлат планига нисбатан 13,66 процент пахта сотган, йиллик планни 83,75 процент бажарган, пахтани машинада териш йиллик планини 88,0 процент бажарган, байроқ Бухоро областидан олиб берилсин.

3. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Самарқанд областида** қолдирилсин (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Азимов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Аслитдинова**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдуқодиров**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Каримов**, Самарқанд ҳалқ хўжалиги кенгаши енгил саноат бўлимининг бошлиғи ўртоқ **Мақсудов**). Бу область 10 кунда давлат планига нисбатан 16,48 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планини 94,28 процент бажарган ва пахтани машинада териш йиллик планини 75,0 процент бажарган.

4. Қуйидагиларнинг пахта теришни ва давлатга топширишни яхши уюштирганликлари қайд қилинсин:

а) **Андижон области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайдаров**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Азимов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдураҳимов**, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ **Жўрабоев**). Бу область давлатга пахта сотиш йиллик планини 76,61 процент ва 10 кун ичида 13,32 процент бажарган, пахтани машинада териш йиллик планини 86,4 процент ва 10 кун ичида 39,3 процент бажарган;

б) **Қашқадарё области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғуломов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Раҳматуллаев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ҳақбердиев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Грибов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Холиқулов**). Бу область йиллик планни 96,70 процент ва машинада пахта териш йиллик планини 99,96 процент бажарган;

в) **Бухоро области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ризаев**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Номозов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Мўминов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Алиев**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Федоренко**, пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ **Абдураҳимов**). Бу область давлатга пахта сотиш йиллик планини 89,8 процент, шу жумладан машинада терилган пахтани топшириш йиллик планини 94,97 процент ва 10 кун ичида — 35,6 процент бажарган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бухоро областининг колхоз ва совхозлари давлатга пахта топшириш йиллик планини яқин кунларда муддатидан олдин бажарадилар, деб ишонч билдирадилар.

5. Ўзбекистон ССР Молия министрлигига пахта теримида намуна кўрсатган колхозчиларни, совхоз, ҒТСларнинг ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини ва тайёрлаш ташкилотларининг ходимларини мукофотлаш учун Наманган, Сурхондарё ва Самарқанд область ижроия комитетлари ихтиёрига 25 минг сўмдан, Андижон, Қашқадарё область ижроия комитетлари ихтиёрига 10 минг сўмдан пул юбориш вазифаси топширилсин (бу пул пахта тайёрлаш плани бажарилгани муносабати билан олинган маблағ ҳисобидан берилади).

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига пахта териш ва давлатга сотишда олдинда бораётган колхоз ва совхозларга сотиш учун Наманган, Сурхондарё ва Самарқанд область ижроия комитетлари номига 20 тадан юк машинаси ва 2 тадан енгил автомашина юбориш мажбурияти юклатилсин.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта териш ва давлатга сотиш бўйича районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 16 октябрдан 21 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Гулистон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Укубоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Т. Умаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Хўжаназаров**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Г. Г. Сутюшев**) берилди. Бу район ўтган 5 кун ичида планга нисбатан 7,42 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планни 86,36 процент бажарган. Кўчма Қизил байроқ Сирдарё районидан олиб берилади.

Пахта териш ва уни давлатга сотиш бўйича **Бекобод районининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ғ. Қодиров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ю. Н. Пустов**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Қ. Қозоқбоев**) шу беш кунликда яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Бу район бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 6,56 процент миқдорида пахта тайёрланиб, йиллик план 74,49 процент бажарилган.

Пахтани машинада теришни яхши ташкил этганлиги учун Боёвут районидаги **1- «Боёвут» совхозининг** (директори ўртоқ **А. Ч. Урусбиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Т. Хўжаев**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Я. Халилов**) ўтган беш кунликдаги намунали ишлари таъкидлаб ўтилди. Бу совхоз машинада 3475 тонна пахта терган, йиллик планни 77,2 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Тошпўлатова**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Р. Носиров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Муродов**, қишлоқ хўжалик бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Х. Обидов**) берилди. Бу район бўйича ўтган беш кунликда 7,75 процент миқдорида пахта тайёрланиб, йиллик план 73,91 процент бажарилган, мавсум бошидан бери машинада 809 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 80,90 процент бажарилган. Кўчма Қизил байроқ Пискент районидан олиб берилди.

Пахта териш ва уни давлатга сотиш ҳамда машина теримини яхши ташкил этган **Бўка районининг** (райўртоқ **Т. Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Р. Қодиров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **К. Обидов**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Қ. Содиқов**) шу беш кунликдаги намунали иши қайд қилинди. Бўка области бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 6,96 процент миқдорида пахта тайёрланиб, йиллик план 78,24 процент бажарилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Пискент районидаги **«Пискент» совхозига** (директори ўртоқ **А. В. Киселев**, партия ташкилотининг секретари **М. Мирқобилов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **А. Хайруллин**) берилди. Совхоз коллективи ўтган беш кун ичида планга нисбатан 7,90 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 76,65 процент, машинада пахта териш планини эса 76,57 процент бажарди. Кўчма Қизил байроқ Сирдарё районидаги «Малик» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Р. Нишонбоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Камолов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Тоғоев**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Х. Валиев**) қолдирилди. Бу район ўтган беш кунликда планга нисбатан 6,86 процент миқдорида пахта сотиб, йиллик планни 76,76 процент бажарган, машинада мавсум бошидан бери 5150 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 81,75 процент адо этилган.

Пахтани машинада теріб олишни намунали уюштирган **Чиноз районининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. А. Акрамов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Н. Қ. Қиргизбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Н. Қосимов**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **П. А. Жениевский**) ўтган беш кунликда яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу район машинада пахта териш планини 107,52 процент бажарган.

Пахта териш ва тайёрлашда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор теримчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон, Оржоникидзе ва Оққўрғон районларига 5 минг сўмдан пул ва илғор колхоз ҳамда совхозларга сотиш учун бу районларнинг ҳар бирига 3 тадан автомашина, Пискент районидаги «Пискент» совхозига 3 минг сўм, Чиноз области ҳамда Боёвут районидаги 1- «Боёвут» совхозига эса 2 минг сўмдан пул берилди.

„Дўст бўлиб, тинчликда яшайлик!"

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШда бўлиши тўғрисида китоб

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «Дўст бўлиб, тинчликда яшайлик! — СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШда бўлиши. 1959 йил 15—27 сентябрь» номли китобни кўп нусхада нашр этди.

Китоб «Сафар арафасида» деган бўлим билан бошланади. Сўнгра, Н. С. Хрушчевнинг АҚШда кутиб олиниши тўғрисидаги ҳисоботлар, унинг нутқлари, суҳбатлари, матбуот конференциялари, телевидение орқали гапирган сўзлари, матбуот группасининг ахборотлари, Н. С. Хрушчев билан бўлган учрашувлар вақтида Америка давлат ва сиёсат арбобларининг сўзлаган нутқлари хронологик тартибда китобга киритилган.

Тўпламда Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисида сўзлаган нутқи марказий ўринни олган.

Китоб Москва меҳнаткашларининг Н. С. Хрушчевнинг Ватанга қайтишига бағишланган, кўп минг кишилик митинги материаллари билан тугайди. Китобга президент Д. Эйзенхауэрнинг 28 сентябрдаги матбуот конференциясида эзиб олинган сўзлари ҳам киритилган.

Китобнинг охирида Н. С. Хрушчевнинг АҚШда бўлиши тўғрисидаги фотосуратлар берилган.

(ТАСС).

Илмий-техника жамиятларининг биринчи Бутуниттифоқ съезди

20 октябрда илмий-техника жамиятларининг биринчи Бутуниттифоқ съезди ўз ишини бошлади. Ўша куни Союзлар уйининг Колонна залида мамлакатнинг гурли шаҳарларидан келган 700 га яқин делегат тўпланди. Делегатлар ва меҳмонлар орасида атоқли совет олимлари, инженерлари, техниклари, ишлаб чиқариш новаторлари, хўжалик ходимлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари бор.

Съезднинг кун тартибида: «Илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашининг иши ҳақида ҳисобот ҳамда партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари муносабати билан жамиятларнинг вазифалари», «СССР илмий-техника жамиятлари уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» докладлар ҳамда илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашини ва Ревизия комиссиясини сайлаш масалалари турибди.

Иш президиуми, секретариат, редакцион комиссия ва мандат комиссияси сайланади. Делегатлар КПСС Марказий Комитети Президиумини яқдиллик билан съезднинг фахрий президиумига сайладилар.

ВЦСПС раиси В. В. Гришин КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг съезд делегатларига ва улар орқали илмий ва инженер-техник зиёлиларга, техника тараққиёти учун актив курашувчи ишлаб чиқариш новаторларига юборган табригини ўқиб эшиттиради. Залдагилар бу табрикни узоқ давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Биринчи масала юзасидан илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси В. Г. Силуянов доклад қилди.

20 октябрь эрталабки мажлисда доклад юзасидан музокаралар бошланди.

(ТАСС).

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент бўлими аъзоларининг йиғилиши

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Америка Ўшма Штатларига қилган сафари натижаларига бағишланиб, 22 октябрда Тошкентда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият шаҳар бўлими аъзоларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда лекторлар — олимлар, олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари, саноат корхоналарининг мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, жами 700 дан ортиқ киши қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Йиғилишда В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг профессори Г. П. Владимиров, Октябрь революциясининг номидаги тепловоз-вагон ремонт заводининг инженери Н. Н. Юсупов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг илмий ходими Ф. Г. Муқминов, Низомий номли педагогика институти директорининг ўринбосари М. Давлатшин сўзга чиқдилар. Улар Совет ҳукумати бошлиғининг АҚШга қилган сафари натижаларини қизғин маъқуллади. Бу визитнинг ажойиб якунлари, дейилади резолюцияда Совет Иттифоқининг КПСС ленинчи Марказий Комитетининг ўткир ва фаросатли сиёсатининг жуда катта сиёсий галабасидир. (ЎзТАГ).

СССР Олий Совети делегацияси Индонезиядан қайтиб келди

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Индонезияга қилган сафаридан қайтишда 22 октябрда Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида Н. А. Муҳитдинови ва СССР Олий Совети депутатлари делегацияси аъзолари Ф. А. Баранов, И. Д. Яковлев, В. П. Дикань, Н. Зарипова, Я. Н. Заробян, В. И. Клаусон, Г. М. Мусрепов, Е. Г. Сорочан, Н. И. Смирновларни О. А. Алимов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, М. В. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. А. Азимов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Х. Турсунқулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев, республика министрлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

* * *

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси кечқурун Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Ўзбекистон санъат усталарининг концертида ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

СССР Рассомлар союзи правлениесининг пленуми ўз ишини тамомлади

СССР Рассомлар союзи правлениесининг совет санъатшунослиги ва танқидчилиги вазифаларига бағишланган VII пленуми 20 октябрда ўз ишини тамомлади. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Тошкент, Олмаота, Ашхобод, Боку вакиллари пленумда сўзга чиқиб, совет кишиларининг маданиятнинг ҳамма бойликларини ўзлаштиришга ғоят интилаётганликлари санъатшуносларга ва танқидчиларнинг ишини айниқса салмоқдор ва муҳим иш қилиб қўйётганлигини айтдилар. Танқидчи рассомларга ҳам ўртоқ, ҳам сафдош ва дўст бўлиш лозим. Бундай танқидчи рассомларга ҳам, мамлакатимизда кундан-кун кўпайиб бораётган санъат ишқибозларига ҳам баббаравар зарурдир.

Пленум қатнашчилари қабул қилган резолюцияда халқ фикрининг ифодачиси бўлган, халқнинг бадиий дидларини тарбияловчи бўлган, совет санъатининг ҳамма муваффақиятларини пропаганда қилувчи пропагандист бўлган бадиий танқидчининг жуда катта роли кўрсатиб ўтилди. Айни вақтда резолюцияда бир қанча муҳим проблемаларни ишлаб чиқишдаги камчиликлари қайд қилинди ва бу камчиликларни тугатиш йўллари кўрсатилди. (ТАСС).

А. И. Микоян Финляндияга жўнаб кетди

Совет-Финляндия узоқ муддатли савдо битимининг имзолониши ва Хельсинкида совет саноат виставкасининг очилиши муносабати билан, Финляндия ҳукумати СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоянни Финляндияга келишга таклиф қилди.

22 октябрда А. И. Микоян «ИЛ-18» самолётида Хельсинкига жўнаб кетди.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида А. И. Микоянни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Министрлари В. Г. Бакаев, И. Г. Кабанов ва Н. А. Михайлов, СССР министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов ва Г. М. Пушкин, СССР Министрлар Советининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, шунингдек Финляндиянинг Совет Иттифоқидаги элчихонаси ходимлари узатиб қолдилар.

А. И. Микояннинг Финляндияга киладиган сафарида унга СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири Н. М. Луньков ҳамроҳ бўлади.

Ўша самолётда Финляндиянинг СССРдаги элчиси Эеро А. Вуори ҳам Хельсинкига жўнаб кетди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар ва ҳалол ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон КП Ўрта Чирчиқ район комитетининг секретари Шукур Солихович **Исамуҳамедов** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Республикада ипакчиликни ривожлантириш соҳасида кўп йиллик ва самарали ишини эътиборга олиб ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Тошкент область ипакчилик конторасининг бош агрономи Георгий Сергеевич **Исаева** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилди.

* * *

Кадрлар тайёрлаш ишидаги катта хизматларини, илмий-оммалаштирувчилик фаолиятини эътиборга олиб ва туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан Тошкент Қишлоқ хўжалик институти кафедрасининг мудири Виктор Андреевич **Шчекинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилди.

УЛУҒ БАЙРАМНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛИШ—ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВНИНГ ШОН-ШАРАФ ИШИ!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Юксак меҳнат унумдорлиги учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун, техникада консерватизмга, турғунликка, қолоқликка қарши курашингиз!

— Байрам шарафига смена топшириғини 200 процентдан бажараман. Ўз касбдошлари қатори Тошкентдаги электротехника заводининг никелловчиси Жалол Мирзаев зиммасига ана шундай юксак мажбурият олган эди. Жалолнинг сўзи билан иши бир. У 1959 йил топшириғини аллақачонлар бажариб, ҳозир 1960 йил ҳисобига ишламоқда. Суратда: ўртоқ Ж. Мирзаев.

А. Палехов фотоси.

Илғор методларни қўлланиб

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун мусобақани кун сайин қизитаётган Тошкентдаги 1-босмахонанинг коллективи меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Илғор иш методларини қўлланаётган матбаачилар етти йилликнинг дастлабки ўн ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан 15 кун илгари тўла бажардилар. Шу давр ичида топшириққа қўшимча равишда 280 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги эса белгиланганига нисбатан 7, 9 процент оширилди. Маҳсулот таннархи 8,8 процент камайтирилди.

Ўртоқ С. Орипова раҳбарлик қилаётган цех коллективининг меҳнатда қўлга киритаётган ютуқлари мақтовга сазовордир. Цех ишчилари тўққиз ой ичида пландан ташқари 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. А. Аҳмедова, М. Ермуҳамедова, А. Турсунов ўртоқлар сингари ўнлаб меҳнатсеварлар нормани 200 — 250 процентга етказиб ado этмоқдалар.

Корхонада янгилик изловчилар ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, қўл меҳнати билан бажариладиган ишларни камайтиришга қаратилган кўплаб таклифлар тушмоқда. Бу таклифлар ҳар йили давлатнинг ўнларча минг сўм маблағини тежаб қолишни таъминлайди. Босмахона новаторларининг ташаббуси билан тайёр маҳсулотни автомашиналарга ортиш механизациялашди. Аввал эса бу ишда 5—4 киши банд бўлар эди. Бу таклиф коллективга ҳар йили 30 минг сўмдан зиёдроқ фойда келтиради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТАННАРХ КАМАЙМОҚДА

— Ҳомашёни кўплаб тежаймиз! Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг ҳар бир ишчиси ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Барча цех, участка, ҳар бир иш жойида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳомашё ва материалларни мумкин қадар тежаб-тергаб ишлатиш учун қатъий кураш олиб борилаётир.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, поток линияларини жорий қилиш, илғор технологияни қўлланиш билан шу йилнинг тўққиз ойи давомида ўнларча минг дециметр чарм ва бошқа ҳомашё тежаб қолинди. Бу билан эса корхонага 200 минг сўмдан кўпроқ фойда келтирилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган пойафзалчилар йил охиригача яна 100 минг сўмлик турли материалларни тежаш ҳақида мажбурият олдилар.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Суръат тезлашмоқда

Етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашаётган «Узбекуголь» комбинатининг кўмир разрези ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ғайратга ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд кон ускуналаридан унумли фойдаланиш, прогрессив технология ва илғор иш методларини кенг қўллаш, экскавация циклини қисқартириш ҳисобига ёқилғи қазиб чиқариш суръати кун сайин тезлашмоқда.

Кончилар шу йилнинг тўққиз ярим ойлик топшириғини 102,6 процент қилиб ado этдилар. Шу давр ичида планга қўшимча равишда 35 минг тоннадан зиёдроқ ёқилғи чиқарилди ва истеъмолчиларга жўнатилди.

Разрезнинг донгдор механизатори ўртоқ Л. Крива бошчилик қилаётган экскаваторчилар бригадаси аъзолари меҳнатда ўз касбдошларига ўрнак бўлишаяпти. Механизмлар қаровини яхшилаш, машиналарни моҳирлик билан бошқариш натижасида ҳар бир экскаваторчи топшириқларни мунтазам ошириб ado этмоқда. Бригада бошлиғи Л. Крива, машинистлардан Г. Фиц, Н. Абушаев ўртоқлар ҳар сменада вагонларга нормадаги 730 тонна ўрнига 850 — 870 тоннадан кўмир ортмоқдалар. Улар шу ойнинг ўтган 20 куни ичида пландан ташқари 3 минг тонна кўмир қазидилар.

А. КУКИЕВ.

Янги қуритиш тозалаш цехи

Ёнингарчилик даври яқинлашиб келмоқда. Шу сабабли бундан кейин йиғиб-териб олинаётган пахта ҳосилини пешма-пеш қуритиб давлатга топшириш муҳим аҳамиятга эга. Анашуни яхши тушунган «Главсельстрой» ва «Мирзачўлсовхозстрой» трестининг қурувчилари, шунингдек монтажчилар барча имкониятларни ишга солиб, қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини тобора тезлаштирмоқдалар.

Куни кечагина Янгибозордаги тайёрлаш пункти ҳузурида қурилаётган қуритиш-тозалаш цехи аъло баҳо билан фойдаланишга топширилди. 8-қурилиш-монтаж бошқармасининг (бошлиғи ўртоқ Мазманов) бинокорлари ва монтажчилари Улуғ Октябрнинг 42 йиллиги шарафига мусобақани кучайтириб, иш сифатининг юқори бўлишини таъминладилар.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун «Главсельстрой» ва «Мирзачўлсовхозстрой» трестининг коллективи ғайратга-ғайрат қўшиб, қолган 6 та қуритиш-тозалаш цехини ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширишлари лозим. Пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажариш манфаатлари шуни талаб қилади.

С. РАСУЛЕВ.

„Малик" тажриба хўжалигининг катта муваффақияти

Механизациянинг афзалликлари беқиёс

Кейинги йилларда пахтачиликни комплекс механизациялаш ишига жиддий эътибор берила бошланди. Биз бу йил 1825 гектар ерга чигит экиб, оз меҳнат билан мўл ҳосил етиштиришга қарор қилдик. Шу туфайли хўжалигимизда трактор-далачилик бригадалари ташкил қилинди. Уларга етарли миқдорда техника ажратдик.

Чигит қисқа муддат ичида агротехника қоидалари асосида квадратуялаб экиб олинди. Чигит униб чиққандан кейин ғўза парваришига қизғин киришдик. Ягана қилиш даврида ҳам механизациядан фойдаландик. Шу сабабли ҳар гектар ерда ягана ўтказиш учун 18—20 ўрнига фақат 9 ишчи куни сарфланди.

Ғўза қатор ораларида ишлаш, суғориш ишларининг механизациялаштирилгани совхозимиз учун катта фойда келтирди. Ғўза парвариши даврида ҳар гектар ерга мўлжалдаги 60 — 70 ўрнига 26 ишчи куни сарфланди. Шу маҳалгача пахтачиликдаги энг кўп меҳнат талаб қиладиган иш пахта терими ҳисобланиб келинди. Биз бу ишда ҳам механизациядан тўла ва унумли фойдаланишга қарор қилдик. Механизаторларимиз пахта териш машиналарининг унумли ишлашини таъминладилар. 3 сентябрдан 15 сентябргача дефолиация ўтказилиб, 12 сентябрдан теримга киришдик.

Агар йиғим-теримда механизациядан фойдаланмасак, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун 2700 киши керак бўлар эди. Хўжалигимизда эса фақат 400 ишчи кучи бор. Шундан ҳам кўриниб турибдики, пахта теримида асосий ишни механик-ҳайдовчиларимиз бажардилар. Уларнинг тер тўкиб қилган меҳнатлари туфайли 21 октябргача давлатга 4432 тонна биринчи сорт пахта топширилиб, йиллик план бажарилди. Тайёрланган ҳосилнинг 80 проценти машинада йиғиб олинди.

Шу кунгача ҳар бир терим агрегати ўрта ҳисобда 61 тоннадан пахта терди. Моҳир механизатор ўртоқ Жавад Кўчиев хирмонга 180 тонна пахта тўкди. У яна 20 тонна пахта териб, олинган мажбуриятини бажариш учун курашаётир. Шунингдек, ўртоқ Кўчиев бошқараётган бригада пахта ҳосилдорлигини ҳам анча оширди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил топширилди. Бунинг 80 процентидан ортиқроғи машинада териб олинди. 2- бўлимнинг ўртоқ Набижон Турсунов бошлиқ бригадаси аъзолари эса 200 гектар майдондан 30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Ҳар иккала бригадада механизациядан унумли фойдаланилгани сабабли пахтанинг таннархи кескин камайди. Ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун ўртоқ Кўчиев бошлиқ бригадада 1, 2 ишчи куни, ўртоқ Турсунов бошлиқ бригадада эса 2 ишчи куни сарфланди. Совхоз бўйича ҳар центнер пахтани етиштириш учун сарфланган меҳнат 2, 1 ишчи кунини ташкил қилди. Шундай қилиб, совхоз бўйича бир центнер ҳосил учун пландаги 177 ўрнига 128 — 131 сўмдан пул сарфланиб, умумий харажатлар 2,5 — 3 баравар камайтирилди.

Ҳозирги кунда совхоз коллективи даладаги ҳосилни тўла йиғиб олиш учун якдиллик билан курашаётир. Пайкалларда 10 та кўрак юлиш машинаси ишламоқда. Бугун-эрта яна 8 машинани далага чиқарамиз. Шунингдек, ҳосили йиғиб олинган ерларда шудгорлашни ҳам бошлаб юбордик. Бу ишни ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида тамомлаб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаб қўямиз.

С. БОЧКАРЕВ,
«Малик» тажриба совхозининг директори.

СОВХОЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Ўртоқ Жўра ТИШЛИҚОВ, 1-бўлим бошқарувчиси.

Ўртоқ С. ЧИЛТОНОВ, бригада бошлиғи.

Ўртоқ Гасан ГУСЕЙН ўғли механик-ҳайдовчи

Ўртоқ Т. ЖУМАЕВ, механик-ҳайдовчи.

Марра 200 тонна

Чиноэлик машҳур механик-ҳайдовчи Турсуной Оҳунованинг чақириғи барчамизни тярм машиналаридан унумли фойдаланиб, зиммага олинган мажбуриятни ортиғи билан бажаришга илҳомлантирди. Кўплар қатори мен ҳам янги ҳаракатга қўшилдим. Ўз агрегатим билан 150 тонна пахта териб беришга аҳд қилдим.

Трактор-далачилик бригадасининг ишини 15 ишчи билан бошладик. 87 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта етиштириш асосий вазифа эди. Бригада комплекс механизациялаштирилган. Биз оз меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш ва унинг таннархини камайтириш учун астойдил курашдик. 71 гектар ердаги ғўзанинг пахтаси машина билан теришга мослаб парвариш қилинди. Бригадамиз ишчиларининг унумли меҳнати туфайли барча майдонда мўл ҳосил етишди.

Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрдик. Менга янги «ХВС — 1, 2» терим машинаси берилди. Мен айрим кунлари янги машина билан 8 — 10 тоннага етказиб пахта теришга муваффақ бўлдим. Натижада бригада 10 октябрда йиллик пахта тайёрлаш планини тўла бажарди. Ҳар бир теримчи ҳисобига 22,5 тоннадан пахта етиштирилди.

Мен ўз бригадамда 130 тонна пахтани машина билан тердим. Қўшни бригадалардан эса 50 тонна пахта тердим. Шундай қилиб ҳозиргача хирмонга 180 тонна пахта териб тўкдим. Бригада ишчилари давлатга пландан ташқари яна 70 тонна пахта топширишга қарор қилдилар. Мен бунга ҳисса қўшиб, яна 20 тонна пахтани машина билан териб бераман. Мавсумда бир ўзим 200 тонна пахта териб, гектаридан 40 центнердан пахта топширганимиз ҳақида галаба рапорти берамиз.

Жавад КУЧИЕВ,
«Малик» тажриба совхозининг механик-ҳайдовчиси.

ЗАРБДОР

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРИ

Кундузги танаффус вақти. Ишчилар кўрсаткич тахта олдига тўпланиб, илғорларнинг кечаги иш натижаларини зўр қизиқиш билан кўздан кечиришаяпти.

— Яша, отанга раҳмат, Каримжон. Бугун ҳам олдинги ўринни эгаллабди. Кечагига нисбатан иш кўрсаткичини яна 10 процент оширибди, — деди станокчилардан бири.

— Қани энди барча ҳам у каби ишласа, — гапга аралашди цех парматовчиси С. Исаев...

Карим Тошпўлатов 1954 йилда темирйўлчилар мактабини битказгандан кейин Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводига 3- разрядли токарь бўлиб ишга келди. Ёш ишчини корхона коллективи самимий кутиб олди.

Оталарча гамхўрлик ва меҳрибонликни сезган Каримжон астойдил меҳнатга отланди, билмаганини тажрибали ишчилардан сўрашдан тортинмади. Меҳнатни чин қалбидан севган ёш ишчи қисқа вақт ичида илғорлар сафидан ўрин олди. Кечагига нисбатан бугун, бугунгига нисбатан эртага кўп маҳсулот ишлаб чиқариш унга одат бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у кейинги 3 йил мобайнида меҳнат унумдорлигини 40 процентдан зиёдроқ оширишга муваффақ бўлди.

Тошпўлатов меҳнат соҳасида қўлга киритаётган бу ютуқлари билан мағрурланмади. У ишлаб чиқаришнинг билимдон ташкилотчиси бўлишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда 1956 йилда электромеханика техникумига ўқишга кирди. У ҳозир ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумнинг учинчи курсида ўқимоқда.

Ишда ҳам, ўқишда ҳам илғор бўлган Каримжон партия XXI съезднинг тарихий қарорларидан руҳланиб, етти йиллик планнинг биринчи йили — 1959 йил топшириғини муддатидан уч ой илгари бажариш мажбуриятини олган эди. У ўз сўзининг устидан чиқди. Ҳозир 1960 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Моҳир токарь ҳулқда, корхона ички тартиб ва қоидаларига риоя қилишда, интизомда, маданий савиясини оширишда ҳам бошқа ишчиларга намуна бўлмоқда. Шунинг учун ҳам завод касаба союз комитети унга коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном берди.

Яқинда завод маъмурияти ишбилармон, ғайратли Каримжон Тошпўлатовни «Ташсельмаш» заводига вақтинча ишлаш учун юборди. У бу ерда ҳам ҳалол меҳнат қилиб ўз коллективининг ишончини оқламоқда.

Ж. МАҲМУДОВ.

ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ПАРВОЙИ ПАЛАКЛАР

— Пул бўлса, чангалда шўрва. Ишчи кучимиз, материалларимиз етарли бўлгач, буёғи нима деган гап. Ҳаш-паш дегунча битказиб қўямиз.

Бу гаплар бундан 4 йил аввал Тошкент шаҳрининг Октябрь райони территориясида ҳаммом-кир ювиш комбинати қурилиши бошланган дастлабки кунларда ана шу объект қурилишини ўз зиммасига олган қурилиш ташкилоти раҳбарлари томонидан айтилган эди.

Бироқ, орадан кўп ўтмай ваъдалар бутунлай унитилиб юборилди. Маблағ сиздан, иш биздан деган қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари заказчини қийин-қистовга олиб, қўшимча маблағ талаб қилиш, ўёқда турсин, лоақал ажратилган маблағларни ҳам йил сайин ўзлаштира олмай келаётирлар.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги фактларга мурожаат қилайлик. Комбинат қурилиши учун биринчи ва иккинчи йили 300 минг сўмдан маблағ ажратилган эди. Ана шу маблағдан 1956 йилда 64 процент, 1957 йилда эса фақат 53 процент фойдаланилди, холос. 1958 йилга келиб иш суръати аввалги йилларгагига қараганда ҳам пасайиб кетди. Бутун йил давомида планга нисбатан 44,3 процент иш қилинди.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, аввалига баландпарвоз ваъдалар бериб, кўпчиликнинг кўйнини пуч ёнғоққа тўлгазиб қўйган бошқарма раҳбарлари аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган комбинат қурилишига жиддий эътибор бермай қўйдилар. Натижада ўзлаштирилмай қолиб кетаётган маблағлар бошқа ташкилотларга бериб юборилди.

Балки сиз, бу йил ишлар жадаллашиб кетгандир деб ўйларсиз. Афсуски, ундай эмас. Тўғри, йил бошида 159-қурилиш трестининг раҳбарлари ваъдабоз ҳамкасбларидан «ўрнак» олиб, қандай қилиб бўлса ҳам, объектни бу йил, албатта, фойдаланишга топширамиз деб қатъий сўз берган эдилар.

Яқинда биз кир ювиш комбинати қурилиши тугалланай деб қолган бўлса керак, деган умид билан шу объектга борган эдик. Боришга бордик-ку, ҳанг-манг бўлиб қолдик. У ерда қоровулдан бўлак бирор тирик жонни учрата олмай, расмдаги ана шу манзарани кўриб қайтдик. Шундан сўнг икки кун оралатиб, яна қадамранжида қилган эдик, ҳайрият бу гал бир ёш йигитни учратдик. Суриштирсак, тамаси 20 кундан буён қурилишда иш бутунлай тўхтатиб қўйилган экан.

Буни қарангки, кундуз куни ишни қойил қила олмаётган, ҳатто уч ойдан буён кечаю-кундуз бетўхтов оқиб ётган водопровод қранини беркитиб қўйиш ҳақида ҳам ўйламаётган трест раҳбарлари, киши кўзига бўлса керак, худди кечаси ҳам ишни тўхтатмайдиган одамлардек чалаярим бино устига кучли прожекторлар ҳам ўрнатиб қўйибдилар.

Ҳаммом-кир ювиш комбинати фойдаланишга топширилишига, белгиланган муддатга кўра, икки ой вақт қолди. Аммо ҳозиргача на қорхона, на ҳаммом ва на қозонхонанинг томи беркитилган. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки бу ишга ҳали киришилган эмас.

Иш шундай кета берса, комбинат қурилиши бу йил ҳам тугалланмай қолиши мумкин. Ўтган тўққиз ой мобайнида 1959 йил учун ажратилган 2 миллион 103 минг сўм маблағдан 450 минг сўмга яқинигина ўзлаштирилганлиги фикримизнинг исботидир.

Афтидан, 159-қурилиш трести ва унга қарашли 7-қурилиш бошқармаси ҳамда 532-УНР раҳбарлари (бошлиқлари Қаюмов, Асанов ва Душенков ўртоқлар) уйимизда кир ювадиган машиналаримиз ва газ билан иситиладиган ванналаримиз муҳайё бўлганидан сўнг, ҳаммом-кир ювиш комбинати қурилишини тезлаштиришга шошилмасак ҳам бўлади, деб ўйлаётган бўлсалар керак. Акс ҳолда улар бу муҳим ишга шунчалик совуққонлик билан қарамаган бўлур эдилар.

Ҳали ҳам вақт ғанимат. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари боқибеғамликка барҳам бериб, барча мавжуд имкониятларни сафарбар қилиб, комбинатни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишлари лозим. Шундагина улар кенг меҳнаткашлар оммасининг маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақидаги талабларига амалий жавоб берган бўладилар.

У. ҒОЗИЕВ.

Суратда: Шу пайтгача қурилиб битқазилмаган ҳаммом — кир ювиш комбинати.

Чала бино бино бўлиб
Келганига пушаймонда.
Билолмайман дейди, ўксиб
Бирор қусур борми манда?!
Қўли лойли, мактаб кўрган
Мемор эди инженерим.
Заҳкаш изза, тўқай эмас
«Эҳ» десалар ёну-верим.
Яланг тўш ер жойим бўлса
Пойдеворим тошу-метин.
Токай энди нажот кутиб,
Интизорман эрта-кечин,
Ҳафта ёки ой эмасдинг
Сабр қилсам, тўрт йил бўлди.
Ҳасрат билан ҳолдан тойиб,
Тош-тупроқдан ичим тўлди,
Киш бўйига қору-ёмғир
Атрофимда ўрдак сузар.
Ёз етганда қайрилмаслар
Кенг йўл усти, кўйи-гузар...
Яшин урган бир дарахтдек
Чала жонман, эл баҳрасиз.
Аҳволимни кўрган дейди
Бағри ачиб «эссиз-эссиз»
Ҳас кўтаргач паррандани
Кўрсам кўзим тўрт термулар.
Бугун эрта, «торт-торт» қилиб,
Бузиб кетар балки булар
Чала бўлиб, ётганимга
Қилмоқдаман минг пушаймон
Эл таънаси жондан ўтар:
Ростлагаймаш қачон?

Толиб ЙЎЛДОШ.

Пахтачиликни механизациялаштириш илғорликни таъминлади

Бўлим ишчилари етти йилликнинг биринчи йилида пахта ҳосилини гектаридан 5,5 центнерга оширишлари керак эди. Коллектив оз меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш учун чигитни янги, прогрессив усулда экди. 450 гектар ерда ўстирилган квадратлардаги ғўзаларни тракторлар билан икки томонлама, агротехника қоидаларига мувофиқ сифатли парвариш қилинди. Бу кутилган натижани берди. Барча майдонда мўл ҳосил етишди.

Биз пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрдик. Ғўза барглари тўкилиши билан машина терими бошлаб юборилди. Механик-ҳайдовчилар мавсум нармасини ошириб бажариш учун астойдил курашдилар. Натижада бўлим кунига йиллик планнинг 2—3 процентга миқдорида ва ундан ошириб пахта тайёрлади. Меҳнат унумдорлиги ошгани туфайли бўлим 13 октябрда гектаридан 25 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин 122 процент бажарди. Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг республикамиз меҳнаткашларига қарата ёзган Мурожаатини муҳокама қилиб, яна гектаридан 5 центнердан пахта топшириш учун кураш бошладик. Жонажон Ватанга 30 центнердан пахта топширамиз. Бу мажбурият ҳам сўзсиз бажарилади. Чунки ҳали далада пахта кўп.

Бўлимнинг ўртоқ С. Дисанский раҳбарлик қилган 4-бригада ишчилари 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 ўрнига 31 центнердан пахта йиғиб олишга эришди. С. Чилтонов, С. Оллоёров, Т. Фозилов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Бўлим ишчилари бир йилда ҳосилдорликни 13 центнерданга ошириб, қолоқликдан чиқдилар.

Пахтани қисқа вақтда йиғиб-териб давлатга топширишда механик-ҳайдовчилар, шунингдек теримчи йигит-қизларимиз муносиб ҳисса қўшдилар. 800 ўрнига 866 тонна пахта машинада терилди ва топширик 106 процент қилиб бажарилди.

Биз қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш тадбирини кўраётирмиз. Ҳосили териб олинган 70 гектар ер ғўзапоядан тозаланди. Шудгорни ҳам бошлаб юбордик. Келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаб, муваффақиятимизни мустаҳкамлаймиз.

Ж. ТИШЛИҚОВ,
«Малик» тажриба-совхозининг 1-бўлим бошқарувчиси.

Чорвачилик илғорларига кўчма Қизил байроқлар берилди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети областлар, районлар ва совхозларнинг чорвадорлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг ўтган уч квартал мобайнидаги якунларини қараб чиқдилар. Улар чорва моллари туёғини кўпайтириш, маҳсулот етиштиришни ошириш, давлатга турли хил чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини бажаришда, чорвачилик учун энг кўп миқдорда ем-хашак жамғаришда яхши кўрсаткичларга эришган илғорларга кўчма Қизил байроқ ва мукофотлар бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қорақалпоғистон АССРга берилди. Автоном республика ўтган йилнинг шу давридагидан 53 процент ортиқ гўшт, 20 процент ортиқ сут, 11 процент ортиқ жун, 2,2 баравар кўп тухум етиштирди. Автоном республикада йирик қорамоллар сони 8 процент, сигирлар сони 25 процент, чўчқалар сони 57 процент ва паррандалар сони 88 процент кўпайтирилди. Қорақалпоғистон давлатга сут, жун, тухум сотиш йиллик планларини ошириб билан адо этди, шунингдек силос бостириш топшириғини ошириб бажарди.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССРга Бухоро областидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари Сурхондарё областининг Шеробод районида, Хоразм областининг Гурлан районида ва Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районида қолдирилди.

Қуйидаги районларга кўчма Қизил байроқлар берилди: Тошкент областининг Бўстонлиқ районига (байроқ Юқори Чирчиқ районидан олиб берилади), Фарғона областининг Боғдод районига (байроқ Фарғона районидан олиб берилади), Наманган областининг Поп районига (байроқ Наманган районидан олиб берилади), Андижон районига (байроқ Хўжаобод районидан олиб берилади), Самарқанд областининг Пахтакор районига (байроқ Самарқанд районидан олиб берилади), Бухоро областининг Свердловск районига (байроқ Томди районидан олиб берилади), Қашқадарё областининг Деҳқонобод районига) байроқ Бешкент районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари Тошкент областидаги 1 — «Боёвут» совхозида, Бухоро областидаги «Конимех» совхозида, Қашқадарё областидаги «Қорақум» совхозида ва Самарқанд областидаги «Каттақўрғон» совхозида қолдирилди.

Қуйидаги совхозларга кўчма Қизил байроқлар берилди: Наманган областидаги «Норин» совхозига (байроқ «Кукумбой» совхозидан олиб берилади), Сурхондарё областидаги «Оққопчиғай» совхозига (байроқ «Хазарбоғ» совхозидан олиб берилади), Самарқанд областидаги 1 — «Қўшработ» совхозига (байроқ «Қизилча» совхозидан олиб берилади), Андижон областидаги «Совой» совхозига (байроқ Киров номли совхозидан олиб берилади), Қорақалпоғистон АССРдаги «Қорақалпоқ» совхозига (байроқ «Коммунизм» совхозидан олиб берилади).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чорвачилик илғорларини мукофотлаш учун Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига 5 минг сўм, Шеробод, Гурлан, Амударё, Бўстонлиқ, Боғдод, Поп, Андижон, Пахтакор, Свердловск, Деҳқонобод район ижроия комитетларининг ҳар бирига 2 минг сўмдан, 1-«Боёвут», «Конимех», «Қорақум», «Каттақўрғон», 1—«Қўшработ», «Норин», «Оққопчиғай», «Совой» ва «Қорақалпоқ» совхозларининг ҳар бирига 2 минг сўмдан беришга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-теримида иштирок этаётган олий ўқув юртлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 10 октябрдан 20 октябрга бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **В. И. Ленин номидаги Урта Осиё давлат университетига** (ректори ўртоқ **А. С. Содиқов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **А. F. Ғаниев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **З. Куценко**) берилди. Университет коллективи ўтган ўн кун ичида яхши кўрсаткичларга эришиб, 1512 тонна пахта териб берди ёки терилган бу пахта ҳар бир теримчига ўрта ҳисобда 84 килограмманга тўғри келади, мавсум бошидан бери ҳар бир студент 2427 килограммдан пахта терган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент учёт-бухгалтерия техникумида** (директори ўртоқ **Г. Ш. Шамшиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Н. Б. Каримов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Р. Темиргияров**) қолдирилди. Бу техникум бўйича мавсум бошидан бери 672,6 тонна пахта терилган, ўтган 10 кун ичида ҳар бир теримчининг бир кунда ўрта ҳисобда 72,6 килограммдан пахта теришига эришилган.

Ўтган ўн кунликда **Тошкент Молия-иқтисод институти** (директори ўртоқ **Ҳориев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Кошель**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Акромов**), **Тошкент Медицина институти** (директори ўртоқ **Ғуломов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Капнаев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ризаев**), **Тошкент Фармацевтика институти** (директори ўртоқ **Азизов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Манулкин**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Усмонов**) ва **Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти** (директори ўртоқ **Абдуллаев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Пономаренко**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ёқубова**) коллективларининг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаётган илғор теримчи-студент ва ўқувчиларни мукофотлаш учун В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетига 2 минг сўм, Тошкент учёт-бухгалтерия техникуми, Тошкент Молия-иқтисод институти, Тошкент Медицина институти, Тошкент Фармацевтика институти ва Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтига 1 минг сўмдан пул берилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI Пленуми

20 октябрда ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI Пленуми очилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1) «Ишчи ва қишлоқ ёшларининг умумий билим ва маданий-техника савиясини ошириш соҳасида комсомол ташкилотларининг ишлари тўғрисида». 2) «Комсомол ташкилотларининг халқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларни қатнаштириш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида». Эстония ЛКСМ Марказий Комитетининг, ВЛКСМ Ставрополь ўлка комитетининг ва Свердловск область комитетининг докладлари.

Биринчи масала устида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари А. А. Сосин, Украина комсомол Марказий Комитетининг секретари Ю. Н. Ельченко, СССР Министрлар Совети Давлат илмий техника комитетининг раиси Ю. Е. Максарев, Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари С. Д. Кенжабоев, ВЛКСМ Ленинград шаҳар комитетининг секретари К. М. Иванов, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, Туркманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Мўллаева, Тамбов областининг Мичурин районидаги «Коминтерн» колхози чўчқачилик товар фермасининг мудири Л. Ф. Плужникова СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, РСФСР Маориф министри Е. И. Афанасенко ва бошқалар сўзга чиқдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

ВЛКСМ Марказий Комитетининг бундан олдинги кун очилган VI Пленуми 21 октябрда ўз ишини давом эттирди.

«Ишчи ва қишлоқ ёшларининг умумий билим ва маданий-техника савиясини ошириш соҳасида комсомол ташкилотларининг ишлари тўғрисида» ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павловнинг доклади юзасидан бўлган музокаралардан сўнг ВЛКСМ Марказий Комитети Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани муҳокама қилишга киришди.

ВЛКСМ Марказий Комитети Пленуми муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенг қарорлар қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

Ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, пахта тайёрлаш суръатини тобора жадаллаштирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 21 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. «Қизил шарқ»	161,43	Н. Сайҳўжаев	З. Раҳмедова	Қуйи Чирчиқ
2. «Политотдел»	147,96	Хван М.	Ким С. ф.	Юқори Чирчиқ
3. Ильич номли	123,94	У. Жарқинбоев	Б. Ражабов	Бўка
4. Сталин номли	123,57	Д. Сафаров	Т. Болғабоев	Қуйи Чирчиқ
5. Охунбобоев номли	122,97	М. Рўзиматов	К. Ерденов	Ўрта Чирчиқ
6. Свердлов номли	121,36	Ким Д. А.	Эм Т. В.	Юқори Чирчиқ
7. Тельман номли	115,50	Х. Эгамқулов	М. Рустамов	Пискент
8. «Коммунизм»	114,91	Т. Латипов	А. Қурбонов	Боёвут
9. Жданов номли	109,90	А. Дўсбеков	Х. Ражабов	Пискент
10. «Победа»	109,72	Р. Абдураҳимов	А. Хожимирзаев	Бекобод
11. Сталин номли	107,10	М. Литвинов	Р. Ўрозов	Пискент
12. «XXI партсъезд»	106,00	Ким Г. Х.	Ан П. В.	Гулистон
13. Калинин номли	105,50	А. Турғунов	А. Марасулов	Пискент
14. Хрушчев номли	105,10	Х. Абдиқулов	Н. Қосимов	Пискент
15. Ленин номли	103,15	С. Назаров	Р. Орифжонов	Гулистон
16. «Правда»	100,56	Цой И. А.	Когай Д. Ф.	Юқори Чирчиқ
17. Мичурин номли	100,14	Т. Каримов	П. Жабборов	Бўка
18. «Ҳақиқат»	97,77	Н. Йўлдошева	М. Ҳакимов	Сирдарё
19. «Москва»	96,90	М. Мирзаев	Р. Алимов	Гулистон
20. К. Маркс номли	96,77	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Боёвут
21. К. Маркс номли	95,81	У. Пардаев	К. Шамшиев	Гулистон
22. Ленин номли	94,55	З. Шокиров	С. Омонов	Боёвут
23. «Гулистон»	93,10	Цой Е. Ф.	Ким Ч. С.	Ўрта Чирчиқ
24. «Красный восток»	92,91	А. Носиров	Хегай Ч. Ю.	Гулистон
25. Красин номли	92,30	Б. Жумабоев	Д. Дўйсенов	Қуйи Чирчиқ
26. «Полярная звезда»	91,76	Ким П. Х.	Ан И. Ч.	Ўрта Чирчиқ
27. «Коммунизм»	91,67	З. Жалолов	Т. Мирзаев	Ўрта Чирчиқ
28. Энгельс номли	90,60	А. Холжигитов	А. Ниёзов	Пискент
29. Оржоникидзе номли	90,15	Ў. Хўжаев	Г. Отауллаев	Ўрта Чирчиқ
30. Дмитров номли	89,12	Шин Д. Д.	Ли Ч. С.	Қуйи Чирчиқ
31. «Ленинский путь»	88,38	Ким А. В.	Ни В. В.	Гулистон
32. К. Маркс номли	88,26	Ян С.	Р. Бобомуродов	Оққўрғон
33. Свердлов номли	88,12	Д. Очилов	А. Мустанақулов	Чиноз
34. «Ленинград»	87,91	Қ. Синдаров	А. Тожибоев	Сирдарё
35. «Северний маяк»	87,40	Цой С. Г.	Цой П.	Ўрта Чирчиқ
36. Сталин номли	87,22	К. Синдоров	Б. Яҳёев	Сирдарё
37. Жамбул номли	85,85	Ҳ. Шукуров	З. Сайдимов	Бўка
38. Охунбобоев номли	85,72	Ю. Хожиматов	Т. Насибов	Бўка
39. Куйбишев номли	85,40	Т. Гуломов	Т. Маматов	Сирдарё
40. Киров номли	85,17	Д. Сафаров	Р. Колжонов	Янгийўл
41. М. Горький номли	84,63	Ш. Раҳимов	З. Мирзаев	Сирдарё
42. «Гулистон»	84,59	И. Ҳайдаров	А. Эргашев	Пискент
43. Свердлов номли	84,56	М. Сойббоев	А. Рустамов	Сирдарё
44. «1- Май»	84,50	Б. Маманов	Г. Нигматуллин	Сирдарё
45. «Красная заря»	84,14	А. Турдиев	Тян Б. С.	Гулистон
46. «Оқ олтин»	83,94	Ш. Холиқов	Э. Қўшбеков	Гулистон
47. Киров номли	83,80	Ғ. Далибоев	А. Юсупов	Чиноз
48. Калинин номли	83,77	Ем Е. М.	Т. Ахтаев	Ўрта Чирчиқ
49. «Коммунизм»	83,35	М. Исматов	И. Усмонов	Янгийўл
50. Ильич номли	83,18	В. Гаспарян	И. Бондаренко	Сирдарё
51. «Ленинизм»	83,01	И. Тешабоев	Б. Низомов	Гулистон
52. Охунбобоев номли	82,95	А. Убайдуллахўжаев	И. Бойназаров	Сирдарё
53. «Октябрь»	82,74	А. Д. Брухтий	С. Файзиев	Гулистон
54. «Ўзбекистон»	82,58	М. Алимуҳамедов	К. Куранов	Сирдарё
55. Сталин номли	82,28	И. Талаббоев	А. Сагибоев	Юқори Чирчиқ
56. «Ленинобод»	82,06	М. Юнусов	К. Эгамбердиев	Оққўрғон
57. Хрушчев номли	81,64	К. Жўраев	К. Иноятжонов	Бўка
58. К. Маркс номли	80,90	К. Абдуллаев	Цой М.	Ўрта Чирчиқ
59. Ленин номли	80,80	Т. Эрназаров	Ҳ. Давиров	Чиноз
60. Сталин номли	80,78	А. Ортиқов	Ф. Мадалиев	Янгийўл
61. «Коммунизм»	80,27	А. Ашуров	А. Жданов	Чиноз
62. «Правда»	80,22	Ҳ. Жумабоев	А. Ёриев	Сирдарё
63. Мичурин номли	79,95	И. Алибоев	С. Иброҳимов	Гулистон
64. Тельман номли	79,56	С. Бўриев	У. Ҳаидов	Оққўрғон
65. Фрунзе номли	79,34	И. Тоғаев	Б. Ботирбеков	Гулистон
66. Шверник номли	79,20	У. Йўлдошев	Т. Шоҳидов	Пискент
67. «Ленинград»	78,62	Т. Йўлдошев	Б. Саматов	Гулистон
68. Жданов номли	78,50	У. Д. Кан	А. Рихсибоев	Янгийўл
69. «Озод»	78,20	Ю. Азимов	И. Содиқов	Оққўрғон
70. Хрушчев номли	77,54	Ф. Мухсимов	Д. Тошматов	Оржоникидзе
71. Киров номли	77,50	Н. Ғиёсов	Г. Абдуазимов	Оржоникидзе
72. «ЎзССР 30 йиллиги»	77,00	И. Аҳмедов	А. Мирахмедов	Чиноз
73. «Красний октябрь»	76,75	Я. Н. Пискорский	У. Жабборов	Сирдарё
74. «XXI партсъезд»	76,25	Ю. Мирахмедов	Х. Эргашев	Чиноз
75. Ленин номли	76,20	Р. Эгамбердиев	А. Толипов	Оққўрғон
76. Ленин номли	76,10	Пак Г. А.	Дя Ч. Г.	Ўрта Чирчиқ
77. Навоий номли	76,00	О. Отабоев	Х. Турдалиев	Бекобод
78. «Коммунизм»	75,60	Э. Мансуров	Э. Эшонқулов	Сирдарё
79. «Ленинизм»	75,53	М. Қулмирзаев	Ш. Ниёзов	Бўка
80. «Сталинград»	75,26	Х. Мақсудов	М. Аҳмедов	Оржоникидзе
81. «Октябрь»	74,88	П. Сулаймонов	Ж. Шамсиев	Сирдарё
82. Ленин номли	74,42	О. Кўчқоров	Ж. Тўйчиев	Янгийўл
83. Жамбул номли	73,85	М. Тожиев	С. Айдаров	Юқори Чирчиқ
84. Крупская номли	73,76	Х. Турсунқулов	С. Шомуротов	Гулистон
85. «XIX партсъезд»	73,76	Ю. Файзиев	К. Олимов	Янгийўл
86. Куйбишев номли	73,60	С. Раҳмонов	Д. Сайдаев	Оққўрғон
87. «XX партсъезд»	73,09	М. Хайитбоев	Х. Абдукаримов	Бўка
88. Энгельс номли	72,80	Э. Шамсиев	И. Бўранбоев	Чиноз
89. «III Интернационал»	72,80	Н. Нишонбоев	Қ. Ўразаев	Юқори Чирчиқ
90. Ленин номли	72,60	Р. Эгамбердиев	У. Исломов	Оржоникидзе
91. «Ленин йўли»	72,38	М. Иброҳимов	Т. Шодибеков	Бўка
92. «Қизил Ўзбекистон»	72,12	А. Матқобулов	Ҳ. Эльбўсинов	Оржоникидзе
93. «Коммуна»	71,77	У. Содиқов	М. Қурбонов	Гулистон
94. «Гулистон»	71,29	Ғ. Шукуров	Р. Норқўзиев	Бекобод
95. Дзержинский номли	71,25	А. Шукуралиев	М. Бегматов	Бекобод
96. Калинин номли	70,93	Н. Қоржоулов	С. Тажбенов	Оққўрғон
97. Ленин номли	70,51	И. А. Бездетний	И. Ашеров	Сирдарё
98. Ворошилов номли	69,94	Ғ. Отабоев	А. Туратов	Оққўрғон
99. Ленин номли	69,23	Б. Дўсмуротов	Э. Фармонов	Бекобод
100. Т. Шевченко номли	69,11	Ж. Маманов	Н. Алиев	Сирдарё
101. «Октябрь 40 йиллиги»	68,40	Қ. Каримов	П. ф. Саулькин	Чиноз
102. Навоий номли	68,30	И. Норбоев	Т. Нортоев	Чиноз
103. «Қизил октябрь»	67,45	Ж. Рустамов	Н. Исмоилов	Чиноз
104. Охунбобоев номли	67,10	А. Субанов	Т. Чиннибеков	Оққўрғон
105. К. Маркс номли	66,99	Қ. Султонов	Ш. Жуманов	Сирдарё
106. «Ленинизм»	66,95	И. Юсупов	М. Йўлдошев	Юқори Чирчиқ
107. «Октябрь 40 йиллиги»	66,90	Ногай А. Н.	Э. Ўролов	Оққўрғон
108. Ленин номли	66,90	Б. Умаров	Ж. Султонов	Бўка
109. К. Маркс номли	66,51	А. Султонов	Т. Азимбоева	Янгийўл
110. Ворошилов номли	66,44	Н. Толипов	А. Абдимўминов	Пискент
111. Сталин номли	66,42	Ҳ. Очилов	Т. Қудратова	Чиноз
112. Сталин номли	66,16	М. Мусурмонов	М. Умаров	Бўка
113. Энгельс номли	65,60	А. Кўсаев	У. Сиддиқов	Ўрта Чирчиқ
114. Вильямс номли	65,48	Ғ. Азаматов	Д. Зуфаров	Бўка
115. «Ленинобод»	64,66	Р. Дадажонов	Н. Исматов	Бўка
116. «Ленин йўли»	64,60	Э. Усмонов	И. Қурбонов	Ўрта Чирчиқ
117. «XXI партсъезд»	64,35	О. Норматов	Р. Умурзоқов	Янгийўл
118. «Коммунизм»	64,09	М. Усмонов	Ж. Эргашев	Гулистон
119. Тимирязев номли	64,07	Х. Қурбонов	Н. Усмонов	Бўка
120. Фрунзе номли	62,91	Қ. Саидбеков	С. Тўлаганов	Янгийўл
121. Свердлов номли	62,53	У. Мусаев	Р. Усмонов	Янгийўл
122. Сталин номли	62,44	Т. Мирзаев	А. Шиганов	Оққўрғон
123. «Победа»	62,25	И. Саидов	Т. Қундузов	Сирдарё
124. «XIX партсъезд»	61,94	А. Душабоев	М. Салимбоев	Бўка
125. «Коммунизм»	61,40	Б. Умаров	Ч. Бозоров	Бўка
126. «XX партсъезд»	60,90	И. Одилов	А. Исахонов	Ўрта Чирчиқ
127. Сталин номли	60,81	А. Хасанов	Ю. Дадабоев	Ўрта Чирчиқ
128. «Ленинград»	60,67	А. Тошқораев	А. Ҳошимов	Оржоникидзе
129. Сталин номли	60,65	Р. Муҳамедов	Қ. Султонов	Гулистон
130. Навоий номли	60,49	А. Омонов	Қ. Парпиев	Оққўрғон
131. Свердлов номли	58,88	М. Муҳаммаджонов	А. Саломов	Ўрта Чирчиқ
132. Куйбишев номли	58,41	Р. Йўлдошева	Б. Оқбердиев	Ўрта Чирчиқ
133. К. Маркс номли	57,85	А. Чўлибоев	М. Абдиев	Бўка
134. «Шарқ юлдузи»	52,54	Х. Турсунқулов	Б. Султонов	Янгийўл
135. «Октябрь 40 йиллиги»	51,41	Х. Хайдаров	Ҳ. Соткулов	Бўка
136. «Меҳнат бирлиги»	51,25	И. Икромов	Ж. Файзуллаев	Юқори Чирчиқ
137. «Победа»	46,85	Т. Косимов	Х. Бўлоқбоев	Чиноз
138. М. Горький номли	43,41	С. Каримжонов	Б. Қўйбоқов	Ўрта Чирчиқ
139. Жданов номли	26,41	Т. Сафаров	С. Турсунов	Юқори Чирчиқ

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 21 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Совхоз директорининг фамилияси	Партия ташкилоти секретарининг фамилияси	Ишчилар комитети раисининг фамилияси	Қайси райондан
1. Бушуев номли	131,86	Р. Орипов	А. Бойҳўжаев	Б. Пирматов	Гулистон
2. «Бўка»	124,25	М. Ботиров	М. Акимбоев	К. Бекбергенев	Бўка
3. 4- «Вревск»	118,33	Қ. Аъзамов	Ю. Икромов	Х. Исмоилов	Чиноз
4. «Мирзачўл»	100,49	А. Бегимқулов	И. Собиров	М. Агайдаров	Гулистон
5. «Малик»	100,27	С. А. Бочкарев	А. Меербеков	А. Р. Волина	Сирдарё
6. «Гулистон»	94,91	М. Ғаниев	Р. Шимаков	А. Исоқов	Сирдарё
7. «Социализм»	89,21	Қ. Пўлатов	С. Шукуров	Т. Тожибоев	Сирдарё
8. «Чаноқ»	85,91	О. Афзалов	А. Шевченко	А. Нуралиев	Бекобод
9. «ЎзССР беш йиллиги»	85,29	И. Иброҳимов	А. И. Ланговой	М. Мусуков	Қуйи Чирчиқ
10. «Оққўрғон»	83,30	Ж. Акромов	Р. Бердиев	Л. И. Бобин	Оққўрғон
11. 1- «Боёвут»	78,57	А. Уриспиев	Т. Хўжаев	Я. Холиқов	Боёвут
12. «Пискент»	76,65	А. В. Киселев	М. Мирқобилов	А. Хайруллин	Пискент
13. 3- «Боёвут»	75,66	К. Рашидов	Ш. Облоқулов	А. Жданов	Боёвут
14. 4- «Боёвут»	74,51	У. Юсупов	А. Мустанов	Ким Х.	Боёвут
15. 1- «Далварзин»	71,15	А. Мирдадаев	Х. Юсупов	В. Усмонов	Бекобод
16. Киров номли	69,83	Пак Сан-Ер	М. И. Федин	Тен А. В.	Ўрта Чирчиқ
17. «Дружба»	68,55	Ғ. Шукуров	У. Муродов	А. Ўрмонов	Боёвут
18. 2- «Далварзин»	67,67	Н. Бойматов	К. Холмирзаев	Х. Наширов	Бекобод
19. «Фарҳод»	62,92	К. Ботиров	Г. Сувонқулов	Ш. Мавлонов	Боёвут

РАЙОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Бекобод районидан ҳам ғалаба рапортлари кела бошлади. Ўтган куни «Победа» колхози аъзолари йиллик пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажардилар. 1260 гектар ердан 2162 тонна биринчи сорт пахта йиғиб олинди. Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисобга олиб хўжалик бўйича яна бир неча юз тонна пахта тайёрлашга қарор қилдилар. Бу, пахтакорларнинг олижаноб ташаббусларидир.

Пахтадан, айниқса, ўртоқ Масоли Очилов бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил етиштирдилар. 100 гектар ердаги «оқ олтин» уюшқоқлик билан йиғиб олина бошланди. Натижада шу кунга қадар йиллик план 170 процент бажарилди. Шунингдек, Тошпўлат Ёрибоев, Анвар Қурбонбоев, Комил Рустамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосил мўл бўлди.

Хўжаликда 4 та пахта териш машинаси унумли ишлаб турди. Улар билан шу кунгача 200 тоннадан ортиқроқ пахта териб олинди. Механизаторлар терим агрегатлари билан яна 100 тонна пахтани йиғиб олишга қарор қилдилар.

Дастлабки эришилган муваффақият колхоз аъзоларининг кучи ва ғайратларини ошириб юборди. Улар келгуси йилда янги ер ўзлаштириб пахта майдонини анча кенгайтиришга аҳд қилдилар.

Шу мақсадда қўриқ ер очиш қизғин бошланиб кетди. Ҳозиргача 600 гектарга яқин ер ҳайдаб қўйилди.

Пахтачиликда механизациядан кенг фойдаланилгани туфайли сарф-харажатлар анча камайди. Ўтган йили ҳар бир центнер пахта етиштириш учун 9,9, бу йил эса 4,6 меҳнат куни сарфланди. Шунингдек, даромад ҳам ортди. Йил бошида 80 процент пахтани биринчи сортга топшириш мўлжалланган эди. Аммо шу кунгача давлатга сотилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга ўтди. Шунинг учун пахтачиликдан мўлжалдаги 6 миллион 600 минг ўрнига 8 миллион даромад қилинди. Ҳозир пахта тайёрлаб давлатга сотиш қизғин давом этаётир.

22 октябргача Қанча пахта тайёрланди

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш		Мавсум бошидан бери	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Қуйи Чирчиқ	1,46	1,93	89,46	136,60
Гулистон	1,30	0,47	87,66	67,78
Пискент	1,00	5,08	86,96	97,75
Боёвут	0,90	0,52	82,63	65,20
Сирдарё	0,93	1,04	82,38	80,38
Юқори Чирчиқ	0,82	1,44	79,74	100,33
Бўка	1,15	1,38	79,39	77,79
Оққўрғон	0,90	2,55	77,67	84,30
Бекобод	1,10	0,42	75,59	45,07
Оржоникидзе	0,71	1,60	74,62	82,50
Чиноз	1,09	4,25	74,33	111,77
Ўрта Чирчиқ	0,64	1,87	72,98	69,90
Янгийўл	1,19	6,89	71,62	95,89
Жами	1,00	1,68	79,19	79,44

СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА

Бушуев номли	1,28	—	133,14	173,00
«Бўка»	1,71	1,83	125,96	159,50
4-«Вревский»	0,84	—	119,17	—
«Мирзачўл»	0,79	1,30	101,28	89,00
«Малик»	0,70	1,50	100,97	101,50
«Гулистон»	1,39	2,75	96,30	189,25
«Социализм»	1,29	0,62	90,50	74,31
«ЎзССР беш йиллиги»	1,39	1,77	86,68	131,97
«Чаноқ»	0,72	—	86,62	12,43
«Оққўрғон»	1,10	1,56	84,40	97,43
1-«Боёвут»	1,35	0,78	79,92	78,00
«Пискент»	1,15	4,93	77,80	81,50
3-«Боёвут»	0,64	0,53	76,30	74,81
4-«Боёвут»	0,84	—	75,35	50,23
1-«Далварзин»	1,52	0,55	72,67	42,36
Киров номли	1,01	0,08	70,84	113,46
2-«Далварзин»	1,20	0,33	68,87	46,39
«Дружба»	0,10	—	68,65	76,00
«Фарҳод»	0,63	0,09	63,55	20,42
Жами	1,10	1,08	81,46	85,97

Ўзбекистон ёзувчилари Тожикистон меҳнаткашлари ўртасида

Суратда: Сталинободда ёзувчи Садриддин Айний хотираси учун ўрнатилган ҳайкал.
А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СТАЛИНОБОД, 21 октябрь (**ЎзТАГ махсус мухбири**). Ўзбекистон ёзувчиларининг бу ерга келиши Тожикистон кенг жамоатчилиги орасида зўр қизиқиш туғдирди. Фақат кейинги йиллардагина республикада Ўзбекистон адибларининг умумий тиражи қариб 150 минг нусха бўлган кўпгина асарлари босилиб чиқди.

Ўзбекистон ёзувчилари Тожикистон Давлат университетининг кўп минг кишилик коллективи билан учрашдилар. Университет ректори профессор С. Ражабов ўзбек халқининг ютуқлари ҳақида сўзлаб, Тожикистон маданиятининг кўпгина энг кекса арбоблари қардош Ўзбекистонда таълим олганликларини таъкидлади. Асқад Мухтор, Туроб тўла ва Рамз Бобожон ўзларининг тинчликка бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Университетнинг кўпгина студентлари бу ерга азиз меҳмонларнинг келиши муносабати билан ёзган ўз шеърларини ҳаяжон билан ўқиб бердилар.

Республикада Фирдавсий номидаги энг йирик кутубхона китобхон лари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон адиблари билан биргаликда Тожикистоннинг атоқли ёзувчиларидан Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Фотеҳ Ниёзий ва бошқалар ҳам келдилар. Кеча қатнашчилари Асқад Мухторнинг фақат мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга чет эллардаги китобхонларга ҳам манзур бўлган «Опасингиллар» романи ҳақида фикр олишдилар. Шу ҳақда филология фанлари кандидати С. Табаров, Тожикистон Давлат университети араб бўлимининг студентларидан Дилбар Пиримқулова ва Наима Қаҳҳоровалар гапирдилар. Улар Асқад Мухторнинг шеърий наср билан ёзилган ва озод ўзбек аёли характерининг шаклланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи бу романи кўп миллатли совет адабиётини юксалтиришга қўшилган катта ҳисса эканлиги тўғрисида якдил фикр билдирдилар.

Сталинободликлар билан бўлган учрашувдан кейин Ўзбекистон делегацияси Бахш водисига жўнаб кетди. У ерда ҳам адабий кечалар ўтказилади.

Бизга ёзадилар

КУТУБХОНАДА ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ

Яқинда Олмалиқ шаҳридаги В. Маяковский номли кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатишда янги тартиб қўллана бошланди. Ўқувчи ўқиб бўлган китобни топширгач, истаган китобни полкалардан ўзи танлаб олади. Бу эса вақтни анча тежайди.

ПАХТАКОРЛАР МАМНУН

Янгийўл районидаги 10-магазин (мудири М. Еқубов) райондаги Фрунзе номли колхоз пахтакорларига намунали хизмат қилмоқда. Терим авж олиб кетган шу кунларда бевосита даланинг ўзида савдо қилинмоқда. Колхозчиларга зарур бўлган буюмлар ўз вақтида етказилиб, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга алоҳида аҳамият берилаётир. Шунинг учун ҳам колхозчилар магазин ходимларининг намунали ишидан мамнун бўлмоқдалар.

М. Баҳромов.

МАКТАБ УЧУН ҚЎШИМЧА БИНО

Пойтахтимиздаги «Пахта» кўчасида жойлашган 1-мактаб учун янги икки қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқувчиларнинг ўқишлари учун барча қулайликлар яратилган: физика, биология ва бошқа фанлар лабораториялари учун махсус хоналар ажратилган. Мактабда дарслар бир сменада олиб борилмоқда.

А. Мақсумов.

КЕНИЯНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ТУРКИЯДА ЯНА РАКЕТА БАЗАСИ ҚУРИЛМОҚЧИ

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИРИК ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ ҚУРИЛИШИ

БЕРЛИН, 21 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини амалга ошириш устида актив меҳнат қилмоқдалар. Яқинда Котбус округининг Фечау районида етти йиллик планнинг жуда йирик объектларидан бири — тепловой электростанцияси қурилиши тантанали вазиятда бошлаб юборилди. Фечау электростанцияси Люббенау электростанцияси билан бирга етти йилликнинг охири — 1965 йилда 2.300.000 киловатт электр қуввати, яъни Германия Демократик Республикаси территориясида жойлашган барча электростанциялар 1936 йилда ишлаб чиқарган электр қувватидан кўп электр қуввати ишлаб чиқара бошлайди.

Фечаудаги электростанция ҳар бири 100 минг киловатт қувватга эга бўлган 12 турбинадан иборат бўлади. Ана шу турбиналарнинг биринчиси 1963 йилда ишга туширилади.

КЕНИЯ ХАЛҚИГА ОЗОДЛИК!

ҚОҲИРА, 21 октябрь. (ТАСС). Кеча Кения куни нишонланганлиги муносабати билан Қоҳирадаги Кения вакиллигининг раҳбари У. Амбито матбуот конференциясида сўзлаб, инглиз мустамлакачилари Кения халқига нисбатан террорни кучайтириб юбордилар, деди. Кеча улар, деди у, «Кения мустақиллиги учун кураш ҳаракати» партиясининг раҳбарларидан олти кишини «жамоат тартибини ва осойишталигини бузишда» айблаб, қамоққа олдилар.

Кениядаги террорнинг мақсади шуки, деди Амбито, Кения халқини ирқий камситишни қонунлаштирувчи янги мустамлакачилик конституциясини қабул қилишга мажбур этмоқчилар. «Кениянинг мустақиллиги учун кураш ҳаракати» партияси раҳбарлари қамоққа олинганлигининг сабабларидан бири шуки, улар бу конституцияга қарши чиқдилар ва уни тан олишдан бош тортдилар.

Мустамлакачилар, деди Амбито, 1952 йилдан бери Кенияда 30 минг кишини ўлдирдилар ва 100 минг кишини қамоққа олдилар.

Амбито Африка ва Осиёдаги ҳамма ташкилотларга ва жаҳоннинг ҳамма халқларига мурожаат қилиб, уларни қамоққа олинган кениялик ватанпарварларни қамоқдан бўшатишни талаб қилишга ва Кения халқининг озодлик учун олиб бораётган курашига ёрдамлашишга чақирди.

КЕНИЯ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

БЕРЛИН, 21 октябрь. (ТАСС). Лейпциг университетида таълим олаётган Африка мамлакатлари студентлари Кения кунига бағишлаб кеча митинг ўтказдилар. Кения куни Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси секретариатининг қарорига биноан нишонланмоқда. Митингда университет ўқитувчилари ва студентлари, шунингдек Германия Демократик Республикаси жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари қатнашдилар.

Митингда сўзга чиққанлар Кенияга озодлик ва мустақиллик берилишини талаб қилдилар.

Митинг қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи комиссияси, Англия ҳукумати, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси секретариати, Африка халқлари конференцияси доимий комитети номига телеграммалар юбордилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи комиссияга юборилган телеграммада инглиз мустамлакачиларининг Кения халқига нисбатан шафқатсиз муомалалар қилишларига қарши норозилик билдирилади. Митинг қатнашчилари Кенияда фавқулодда қонуннинг бекор қилинишини, қамоқ лагерларининг тугатилишини ва ирқий камситишларга хотима берилишини талаб қилдилар. Улар Кения мустақиллиги учун ҳаракатнинг раҳбари Жомо Кениата ва унинг ўртоқларининг озод этилишини талаб қилдилар.

ЖАЗОИРДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 21 октябрь. (ТАСС). Жазоирдаги уруш ҳаракатлари тўғрисида Жазоир миллий озодлик армияси олий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида айтиладики, 16 октябрдан 18 октябргача Жазоир миллий озодлик армияси қисмлари билан француз мустамлака қўшинлари ўртасида 13 марта жанг бўлган. Жазоир қўшинлари душманнинг мустаҳкамланган 14 та ҳарбий истеҳкомига ҳужум қилганлар ва шу истеҳкомлардан баъзиларини батамом яксон қилинган.

Француз солдат ва офицерларидан 128 киши ўлдирилган ва 160 киши яралор қилинган, душманнинг 14 та ҳарбий автомашинаси яксон қилинган, кўп миқдорда ўқдори ва ҳарбий анжом ўлжа олинган.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ АТОМ-РАКЕТА БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИЛМОҚДА

БОНН, 21 октябрь. (ТАСС). «Ди Вельт» газетасининг хабар беришича, октябрь ойининг охирларида Ғарбий Германияга АҚШдан сотиб олинган «Ника» типидаги ракеталар келтирилади. Бу ракеталар атом зарядлари билан ҳам, оддий зарядлар билан ҳам қўлланиш учун мослаштирилган. Сотиб олинган ракеталар ва уларни учирадиган установкаларнинг ҳаммаси йил охиригача келтирилади. Булар бундесвернинг биринчи атом-ракета батальонини қуроллантириш учун тайинланган.

Бонн мудофаа министрлигининг хабар беришича, ракета-атом батальонининг 900 кишидан иборат ходимлари ҳозирдаёқ АҚШда махсус тайёргарликдан ўтган.

Ғарбий Германияни атом-ракета билан қуроллантириш программаси дастлабки вақтда учта ана шундай атом-ракета батальони тузилишини кўзда тутади. Бу батальонлар ракета учирадиган жамъи 144 установка билан таъминланган бўлади. Иккинчи батальон 1960 йилнинг баҳорида, учинчи батальонни эса 1960 йилнинг ёзида ракеталар билан қуроллантириш мўлжалланади.

ТУРКИЯДА ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

ИСТАМБУЛ, 21 октябрь. (ТАСС). СЕНТО кенгашининг яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган сессиясида Туркиянинг Искандарун ва Трабзондаги портларини кенгайтириш ишларини бошлашга қарор қилинган эди.

«Янги Истамбул» газетасининг хабар беришича, кеча СЕНТО комиссияси Искандарунга жўнаб кетган. Бу комиссия портни текшириб кўради, Трабзонга ҳам боради. Газетанинг ёзишича, яқинда Трабзонда портни механизациялаш ишлари бошланади. Трабзон ва Искандарун тўғри тош йўл билан боғланади.

Айни бир вақтда Туркия матбуоти Туркия территориясида ракета базалари қурилиши тўғрисидаги хабарларга ҳам катта эътибор бермоқда. Газеталарнинг хабар беришича, АҚШ Туркияга ҳаракат доираси ўртача бўлган «Тор» типидаги ракеталарни етказиб бермоқда.

«Хаводис» газетаси ракета базалари қурилишини ва Туркия армияси шахсий составини ўргатиш ишларини Америка мутахассислари олиб борадилар, деб таъкидлайди. Илгари, деб ёзади газета, Туркияда икки ракета базаси қуриш мўлжалланган эди, лекин Греция ўз территориясида бундай базалар қурилишига рози бўлмаётганлиги сабабли Туркияда учта ракета базаси қуриш кўзда тутилади.

ХОДИСА.

Соф виждон эгалари

Чақар чойхонаси одатдагидек чоллар билан гавжум. Улар кровать устида чой ичиб, гурунглашиб ўлтиришарди. Тўлаган отанинг эътиборини ерда тушиб ётган ўроқлиқ оқ қоғоз ўзига жалб қилди. Уни олиб қаралса, ичида даста-даста пул.

— Шунча пулни ким тушириб қолдирди экан?

— Кимники бўлмасин тезлик билан милиция бўлимига элтиб бериш керак!— қарор қилишди чоллар.

Тўлаган Толипов дўстлари Шукур Тешабоев, Комил Холиқовлар билан бирга Октябрь район милиция бўлимига кириб келишди. Бўлим бошлиғи чоллар қўлидан 8950 сўм пулни санаб олар экан, уларга оддий бир совет киши ҳақида шунча ташвиш тортиб келганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Соф виждонли бу чолларга милиция бўлимининг барча ходимлари ҳам катта ташаккур айтдилар.

С. ЁҚУБОВ.

Колхоз ёрдам кассаси

Қорасув районидаги Свердлов номли колхозда ўзаро ёрдам кассаси ташкил қилинган эди. Кассанинг маблағи йил сайин ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида ёрдам кассасида 30 минг сўмга яқин пул жамғарилди.

Колхозчилар бу пуллардан зарур бўлиб қолган вақтда фойдаланадилар. Ишга яроқсиз ва кексайиб қолган кишилар ҳам колхоз ёрдам кассасидан катта ёрдам олмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги артели аъзоларидан Нисо Рўзимуҳамедова, Рўзивой Қодиров, Назар Азимов, Умри Қосимова каби ўртоқларга келгуси икки йил ичида саккиз минг сўмга яқин ёрдам пули берилди.

Ёрдам кассаси маблағидан берилган узоқ муддатли қарз ҳисобига кўпгина колхозчилар уй-жой бинолари қуриб олмоқдалар.

С. ҒУЛОМОВ,
Б. ЖУМАТИЛЛАЕВ.

12 ноябрда—журналистлар съезди

СССР Журналистлар союзи Ташкилот бюроси совет журналистларининг биринчи Бутуниттифоқ съездини 12 ноябрдан 14 ноябргача Москвада ўтказишга қарор қилди. 20 октябрда союз Ташкилот бюросининг навбатдаги мажлисида СССР Журналистлар союзининг янги устави лойиҳаси қараб чиқилди. Устав лойиҳасида журналист ташкилотларининг республика, съездларида, область ва ўлка конференцияларида қабул қилинган таклифлар акс эттирилди.

Ташкилот бюросининг мажлисида совет журналистлари халқаро алоқаларининг 1960 йилги плани тасдиқланди.

Чувашистон ва Ёқутистон АССР, Олтой ўлкаси, Горький, Мурманск, Новосибирск, Смоленск ва Чита областларининг бир группа ижодкор матбуот ходимлари журналистлар союзи аъзолигига қабул қилинди.

(ТАСС).

Обуначилар диққатига!

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз, совхоз ва РТСлардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси. ярим йил учун — 26 сўм 10 тийин, бир йил учун — 52 сўм 20 тийин.



«Локомотив» кўнгилли спорт жамияти ёшлар спорт мактабининг классик кураш секцияси машғулотларига жуда кўп киши қатнашади. Суратда: Тошкентдаги темир йўл транспорти техникуми студенти Игорь Чигрин (пастда) ва 39- темир йўл мактабининг 7- синф ўқувчиси Борис Закс тренировка қилишмоқда. Ёш спортчилар тренировкасига СССР спорт мастери В. И. Крохоткин раҳбарлик қилаётир!
А. Заблоцкий фотоси.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ОЛТИНЧИ ЗОНАДА

«Б» классида мамлакат биринчилиги учун курашаётган олтинчи зона футбол командалари ўтган ҳафта навбатдаги учрашувларни ўтказдилар. Натижалар қуйидагича бўлди: «Металлург» (Магнитогорск) — «Машиностроитель» (Свердловск) — 2:1, «Ҳосилот» (Сталинобод) — «Шахтёр» (Караганда) — 3:2, «Локомотив» (Челябинск) — «Строитель» (Уфа) — 3:1, «Қайрат» (Олмаота) — «Пахтакор» (Тошкент) — 3:3, «Помир» (Ленинобод) — «Меҳнат резервлари» (Тошкент) — 2:1.

Шундай қилиб, «Помир» командаси олтинчи зона ғолиби бўлди. Бу команда охирги тўрт ўйинни мағлубиятсиз ўтказиб, 26 учрашувда 36 очко тўплашга эришди. 26 ўйиндан 32 очко тўплаган «Машиностроитель» командаси иккинчи ўринда, Магнитогорскнинг «Металлург» командаси худди шунча очко билан учинчи ўринда қолди. Ҳозирча «Звезда» футболчилари тўртинчи ўринда турибдилар. Бу команда ҳамма ўйиндан 31 очко олди. 25 ўйиндан 30 тадан очко тўплаган «Пахтакор» ва «Қайрат» командалари бешинчи ва олтинчи ўринларни эгалладилар. Агар олмаоталиклар «Колхозчи» устидан, пахтакорчилар «Меҳнат резервлари» устидан ғалаба қилсалар бу командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи бирмунча яхшиланади.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Байрам шарафига шахмат мусобақаси

Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида Улуғ Октябрнинг 42 йиллиги шарафига пойтахт шахматчиларининг мусобақаси ўтказилмоқда. Бу ўйинда мастерликка кандидат ва биринчи разрядли шахматчилардан 14 киши қатнашмоқда. Мусобақанинг дастлабки ўйинлариданоқ кураш қизғин тус олмоқда. Бу мусобақада 13 имкониятдан 8 очко тўплаган биринчи разрядлик шахматчиларга мастерликка кандидат унвони берилади.

Телевизор экранида

23 ОКТЯБРДА

19.30. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун эшиттириш. «Чол ва турна» деган мультипликацион фильм.

19.40. Рус тилида халқаро обзор.

19.55. Киножурнал.

20.05. Сўнгги охборот.

20.25. Бадиий фильм — «Бу юртда».

21.55. «Коммунизм» колхозининг дала шийпонида» деган адабий-музикали эшиттириш.

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газетасида

Газетанинг биринчи бетида пахта терими сурётини янада кучайтиришга бағишланган бошмақола босилган. Шу бетда СССР Олий Совети делегациясининг Индонезияга қилган сафарларидан Тошкентга келиши, ВЛКСМ Марказий Комитетининг VI Пленуми, Тошкент саноат корхоналарининг 10 ойлик планни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақидаги материаллар берилган.

Иккинчи бетда область колхоз ва совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумот ўрин олган.

Учинчи бет материаллари орасида И. Королевнинг Тошкентдаги қоғоз комбинати тўғрисидаги «Ижодкорлар» деган корреспонденцияси, чет эл хабарлари бор.

Тўртинчи бет асосан маҳаллий материаллар ва спорт янгиликларига оид хабарлардан иборат.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундуз соат 3 да Тошкентда 20, областда 16-20 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги, шарқдан енгил шамол эсиб туриши кутилади. Тошкентда 18-20, областда эса 18-23 даража иссиқ бўлади.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА КОММУНИСТЛАР ТАЪҚИБ ҚИЛИНМОҚДА

БЕРЛИН, 21 октябрь. (ТАСС). Ғарбий Германияда Германия Коммунистик партиясининг аъзолари зўр бериб таъқиб қилинмоқда. Нюрнбергда Германия Коммунистик партиясининг икки аъзоси — Ганс Хейзель ва Иоганна Винеке устидан қилинган суд тамом бўлди. АДН агентлигининг билдиришига қараганда, суд уларни Компартиянинг Шимолий Баварияда ги яшириН фаолиятида қатнашишда айблаб, ҳар иккаласини ҳам 15 ойдан қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Айбланувчилар ўзларининг охирги сўзларида Германия Компартиясининг сиёсатига содиқликларини айтдилар.

Кеча Гамбургда ишчилардан тўрт кишининг, яъни К. Шенк, В. Клейн, Ф. Шунк ва Г. Шаффнерининг «иши» юзасидан яна бир суд бошланди. Бу ишчилар Германия Компартиясини қўллаб-қувватлаб чиқишда айбланмоқдалар.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/X да **Алишер Навоий**, 24/X да **Фурқат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 23/X да **Оққуш кўли**, 24, 27/X да **Кармен**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун РСФСРда хизмат кўрсатган артист **П. Маяцкий** раҳбарлигида **Украин давлат цирки артистлари** гастролининг давоми ва **Анатолий Шаг** аттракцион **труппасининг гастроллари**. Кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Дворянлар орасидаги мешчан**, кеч соат 7 ва 9 да кенг экранли фильм **Ягона сафда**.

«ОКТЯБРЬ» — **Шопрнинг тақдири**.

«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», ПУШКИН номли — **Дворянлар орасидаги мешчан**.

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **Афюн уруши**, кундуз соат 3-20 минутда **Машенька**, кеч 5 да **Фурқат**.

НАВОИЙ номли (ёзги) — **Машенька**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Дворянлар орасидаги мешчан**, 3- залда **Иродали аёл**.

КАФАНОВ номли — **Бахт билан учрашув**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — **Бечора севимли онам**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун **Дворянлар орасидаги мешчан**, 2- залда эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Ф. Р. Козловнинг АҚШда бўлиши**.

Клуб, қизил чойхона, колхоз, совхоз, кутубхона, кироатхона маданият саройлари ва бошқа маданий-оқартув муассасалари ва ташкилотлар диққатига!
қуйидаги нашрларга

1960 йил учун

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

«ФАН ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР»

Фан ва техниканинг энг янги кашфиётлари ва ютуқлари ҳақида оммабоп қилиб ёзилган, рангли муқовада 52 та китобча чиқарилади (ўзбек тилида). Обуна баҳоси — бир йилга 20 сўм 80 тийин.

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон жамиятининг

ЛЕКЦИЯ-КИТОБЧАЛАРИ

Обуначилар кундалик сиёсат, халқаро муносабат, партия тарихи ва бошқа масалаларда 60 та китобча оладилар (ўзбек тилида). Бу лекциялар агитатор ва пропагандистлар учун қимматли қўлланмадир. Обуна баҳоси — бир йилга 36 сўм.

РАНГЛИ ПЛАКАТЛАР СЕРИЯСИ

Ўзбекистон республикаси ва ўзбек халқининг кўп томонлама ҳаёти ва фаолиятини кўрсатувчи 24 та плакат чиқарилади (ўзбек ва рус тилларида). Обуна баҳоси — бир йилга 24 сўм.

«ИСЛОМ ДИНИ ВА УНИНГ СИНФИЙ МОҲИЯТИ»

номли илмий-атеистик плакатлар.

Обуначиларга махсус жойланган, рангли 12 та плакат бир йўла юборилади (ўзбек тилида). Бу плакатлар лекция ўтказиш ва илмий-атеистик пропаганда олиб бориш учун зарур ва фойдали қўлланмадир. Обуна баҳоси — 40 сўм.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, шунингдек почтальонлар ва жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 07377. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-187